

532 - وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّا كُنَّا يَوْمَ الْخَنْدَقِ نَحْفِرُ، فَعَرَضَتْ كُذْبِيَّةٌ شَدِيدَةً، فَجَاؤُوا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا: هَذِهِ كُذْبِيَّةٌ عَرَضَتْ فِي الْخَنْدَقِ، فَقَالَ: «أَنَا نَازِلٌ» ثُمَّ قَامَ وَبَطْنُهُ مَعْصُوبٌ، وَلَبِثْنَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ لَا نَذُوقُ ذَوْاقًا، فَأَخَذَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمِعْوَلَ، فَضَرَبَ فَعَادَ كَثِيبًا أَهْيَلًا، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ! ائْذَنْ لِي إِلَى الْبَيْتِ، فَقُلْتُ لِمُرَاتِي: رَأَيْتُ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا مَا فِي ذَلِكَ صَبْرٌ فَعِنْدَكَ شَيْءٌ؟ فَقَالَتْ: عِنْدِي شَعِيرٌ وَعَنَاقٌ، فَدَبَّحْتُ الْعَنَاقَ وَطَحَنْتِ الشَّعِيرَ، حَتَّى جَعَلْنَا اللَّحْمَ فِي الْبُرْمَةِ، ثُمَّ جِئْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْعَجِينُ قَدِ انْكَسَرَ، وَالْبُرْمَةُ بَيْنَ الْأَثَائِي قَدْ كَادَتْ تَنْضِجُ، فَقُلْتُ: طُعِيمٌ لِي، فَنُفِئَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَرَجُلٌ أَوْ رَجُلَانِ، قَالَ: «كَمْ هُوَ؟» فَكَرَّرْتُ لَهُ، فَقَالَ: «كَثِيرٌ طَيِّبٌ، قُلْ لَهَا: لَا تَبْرَحِ الْبُرْمَةَ، وَلَا الْخُبْزَ مِنَ التَّنُورِ حَتَّى آتِي» فَقَالَ: «فُؤُومُوا»، فَقَامَ الْمُهَاجِرُونَ وَالْأَنْصَارُ، فَدَخَلْتُ عَلَيْهَا فَقُلْتُ: وَيْحَكَ!! جَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْمُهَاجِرُونَ وَالْأَنْصَارُ وَمَنْ مَعَهُمْ!! قَالَتْ: هَلْ سَأَلْتُكَ؟ قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: «ادْخُلُوا وَلَا تَضَاعَطُوا» فَجَعَلَ يَكْسِرُ الْخُبْزَ، وَيَجْعَلُ عَلَيْهِ اللَّحْمَ، وَيُخَمِّرُ الْبُرْمَةَ وَالتَّنُورَ إِذَا أَحَدٌ مِنْهُ، وَيَقْرُبُ إِلَى أَصْحَابِهِ ثُمَّ يَنْعُ، فَلَمْ يَزَلْ يَكْسِرُ وَيَعْرِفُ حَتَّى شَبِعُوا، وَبَقِيَ مِنْهُ، فَقَالَ: «كُلِي هَذَا وَأَهْدِي؛ فَإِنَّ النَّاسَ أَصَابَهُمْ مَجَاعَةٌ». مَنْفَقٌ عَلَيْهِ [خ 4101، م 2039].

وَفِي رِوَايَةٍ: قَالَ جَابِرٌ: لَمَّا حَفَرَ الْخَنْدَقُ رَأَيْتُ بِالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَمَصًا، فَاذْكُفْتُ إِلَى أَمْرَاتِي فَقُلْتُ: هَلْ عِنْدَكَ شَيْءٌ؟ فَإِنِّي رَأَيْتُ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَمَصًا شَدِيدًا، فَأَخْرَجْتِ إِلَيَّ

جَرَابًا فِيهِ صَاعٌ مِنْ شَعِيرٍ، وَلَنَا بِهَيْمَةَ دَاجِنٍ، فَذَبَحْتَهَا، وَطَحَنْتَ، وَفَرَعْتَ إِلَى فِرَاقِي، وَقَطَعْتَهَا فِي
بُرْمَتِهَا، ثُمَّ وَلَّيْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَتْ: لَا تَفْضَحْنِي بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ وَمَنْ مَعَهُ، فَحِثُّهُ فَسَارَزْتُهُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ ذَبَحْنَا بِهَيْمَةَ لَنَا، وَطَحَنْتُ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ،
فَتَعَالَ أَنْتَ وَتَقْرَ مَعَكَ، فَصَاحَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: «يَا أَهْلَ الْخَنْدَقِ؛ إِنَّ جَابِرًا قَدْ
صَنَعَ سُورًا فَحِيَّهَا بِكُمْ» فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تُنْزِلَنَّ بُرْمَتَكُمْ، وَلَا تُخْبِرُنَّ عَجِينَكُمْ
حَتَّى آجِيءَ» فَجِئْتُ، وَجَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُقَدِّمُ النَّاسَ، حَتَّى جِئْتُ امْرَأَتِي، فَقَالَتْ: بِكَ
وَبِكَ!! فَقُلْتُ: قَدْ فَعَلْتُ الَّذِي قُلْتِ.

فَأَخْرَجْتُ عَجِينَنَا، فَبَسَقَ فِيهِ وَبَارَكَ، ثُمَّ عَمَدَ إِلَى بُرْمَتِنَا فَبَصَقَ وَبَارَكَ، ثُمَّ قَالَ: «ادْعِي خَابِرَةَ فَلْتَحْبِرْ
مَعَكَ، وَاقْدَحِي مِنْ بُرْمَتِكُمْ وَلَا تُنْزِلُوهَا» وَهُمْ أَلْفٌ، فَأَقْسِمُ بِاللَّهِ؛ لَأَكُلُوا حَتَّى تُكُوهُ وَانْحَرْفُوا، وَإِنَّ
بُرْمَتَنَا لَتَغِطُّ كَمَا هِيَ، وَإِنَّ عَجِينَنَا لَيُحْبِرُ كَمَا هُوَ. [خ 4102].

قَوْلُهُ: «عَرَضْتُ كُدَيْتَةً» بِضَمِّ الْكَافِ وَإِسْكَانِ الدَّالِ، وَبِالْيَاءِ الْمُثَنَّنَةِ تَحْتُ، وَهِيَ: قِطْعَةٌ غَلِيظَةٌ صُلْبَةٌ
مِنَ الْأَرْضِ لَا تَعْمَلُ فِيهَا الْفَأْسُ. وَ«الْكَثِيبُ»: أَصْلُهُ تَلٌّ الرَّمْلِ، وَالْمُرَادُ هُنَا: صَارَتْ ثُرَابًا نَاعِمًا،
وَهُوَ مَعْنَى «أَهْيَلٍ». وَ«الْأَثَائِيُّ»: الْأَحْجَارُ الَّتِي تَكُونُ عَلَيْهَا الْقِدْرُ. وَ«تَضَاعَطُوا»: تَرَاحَمُوا.

وَ«الْمَجَاعَةُ»: الْجُوعُ، وَهُوَ يَفْتَحُ الْمِيمَ، وَ«الْحَمَصُ»: يَفْتَحُ الْخَاءَ الْمُعْجَمَةَ وَالْمِيمَ: الْجُوعُ،
وَ«انْكَفَأْتُ»: انْقَلَبْتُ وَرَجَعْتُ. وَ«الْبُهَيْمَةُ» بِضَمِّ الْبَاءِ: تَصْغِيرُ بَهْمَةٍ، وَهِيَ: الْعِنَاقُ؛ يَفْتَحُ الْعَيْنَ.
وَ«الدَّاجِنُ»: هِيَ الَّتِي أَلْفَتِ الْبَيْتَ: وَ«السُّورُ» الطَّعَامُ الَّذِي يُدْعَى النَّاسُ إِلَيْهِ، وَهُوَ بِالْفَارِسِيَّةِ.
وَ«حِيَّهَا» أَي تَعَالُوا.

وَقَوْلُهَا «بِكَ وَبِكَ» أَي: حَاصِمَتُهُ وَسَبَّتُهُ؛ لِأَنَّهَا اعْتَقَدَتْ أَنَّ الَّذِي عِنْدَهُمْ لَا يَكْفِيهِمْ، فَاسْتَحْيَتْ،

وَحَفِيَّ عَلَيَّهَا مَا أَكْرَمَ اللَّهُ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى بِهِ نَبِيِّهُ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - مِنْ هَذِهِ الْمُعْجَزَةِ
الظَّاهِرَةِ وَالْآيَةِ الْبَاهِرَةِ.

«بَسَقَ» أَي: بَصَقَ، وَيُقَالُ أَيضاً: بَرَقَ؛ ثَلَاثَ لُغَاتٍ. وَ«عَمَدَ» يَفْتَحُ الْمِيمَ؛ أَي: قَصَدَ.
وَ«أَفْدَحِي» أَي: اغْرَبِي؛ وَالْمُقَدَّحَةُ: الْمَعْرِفَةُ. وَ«تَغَطَّتْ» أَي: لِعَلَيَانَهَا صَوْتٌ، وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

532. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Биз Хандақ куни чуқур қазиётган эдик, қаттиқ ер чиқиб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: «Хандақда мана бундай қаттиқ ер чиқиб қолди», дейишди. У зот: «**Мен ўзим тушаман**», дедилар-да, ўринларидан турдилар. Қоринларига тош боғланган эди. Уч кундан бери туз тотмаган эдик. Набий соллаллоху алайҳи васаллам чўкични олиб, бир зарб урдилар. Шунда у қум бўлиб сочилиб [ёки уқаланиб] кетди. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Уйга (бориб келишга) изн берсангиз», дедим. Кейин аёлимга: «Набий соллаллоху алайҳи васалламда бир ҳолни кўрдим, бунга тоқат қилиб бўлмайдими. Бирор нарсанг борми?» дедим. У: «Озгина арпа, битта улоқча бор», деди. Мен улоқчани сўйдим, у эса арпани туйди. Гўшти тошқозонга солдик. Кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдим. Хамир кўпчиб, қозон эса ўчоққа осилган, овқат пишиб қолай деган эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга: «Озгина таомим бор эди, ўзингиз билан бир-икки кишини олиб юринг, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. «**У ўзи қанча?**» деган эдилар, мен айтдим. У зот: «**Кўп ва хўп экан. Аёлингга айт, мен боргунимча тошқозонни (ўчоқдан), нонни тандирдан олмай турсин**», дедилар. Кейин «**Туринглар!**» дедилар. Муҳожир у ансорлар туриб, юришди».

У (Жобир) аёлининг олдига кириб, «Шўринг қуриди! Набий соллаллоху алайҳи васаллам муҳожирлар, ансорлар ва улар билан бирга бўлганларни бошлаб келдилар», дебди. (Аёли) «У зот сендан (овқатнинг қанчалигини) сўрадиларми?» дебди. «Ҳа», дебди. У зот: «**Кириглар, фақат жуда тикилишиб кетманглар**», дебдилар. Кейин нонни синдириб, унга гўшт тера бошлабдилар. Тошқозонни ҳам, тандирни ҳам улардан нарса олаётганда ёпиб қўяр, уни асҳобларига узатиб, сўнг яна (нон-гўшт) олар эдилар. У зот нонни синдириб, (гўшни) олиб қўяверибдилар, ниҳоят, улар тўйиб, ортиб ҳам қолибди. У зот (аёлга): «**Мана бу овқатни ўзинг ҳам**

егин, ҳадя ҳам қилгин, чунки одамлар оч», дебдилар».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: «Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумонинг шундай деганини эшитганман: «Хандақ қазилаётган пайт эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаттиқ оч эканларини сездим. Аёлимнинг олдига қайтиб бориб: «Бирор ниманг борми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаттиқ оч эканларини сездим», дедим. У менга халтада бир соъ арпа олиб чиқди. Уйда бир қўзичоғимиз бор эди, мен ўшани сўйдим, у ҳам арпани янчиб бўлди. Мен уни (гўшти) майдалаб, тошқозонига солиб бериб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кетаётган эдим, «Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг ёнидагиларнинг олдида мени хижолат қилиб қўйманг-а!» деди. Мен у зотнинг ёнларига бориб: «Эй Аллоҳнинг Расули, қўзичоғимизни сўйдик, бисотимиздаги бир соъ арпани янчдик. Ўзингиз билан бир неча кишини олиб чиқинг», деб пичирладим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй хандақ аҳли! Жобир дастурхон ёзибди. Қани, бўлинглар!!!»** дедилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (менга): **«Мен боргунча қозонингизни зинҳор туширманглар, хамирингизни ҳам нон қилмай туринглар»**, дедилар.

Мен келдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам одамларнинг олдида келдилар. Келишим билан хотиним: «У бўлгур, бу бўлгур!» деди. Мен: «Айтганингдай қилдим», дедим. (Аёлим) у зотга хамирни олиб чиқди. У зот унга туфлаб қўйдилар ва барака тиладилар. Кейин тошқозонимизга бориб, туфлаб қўйдилар ва барака тиладилар. Сўнг: **«Бир новвой аёлни чақир, мен билан нон ясасин. Қозонингиздан сузавер, лекин уни туширманглар»**, дедилар. Келганлар мингтача эди. Аллоҳ ила қасам ичаманки, (овқатни) ейишди, ҳатто ортиб ҳам қолди. Сўнг қайтиб кетишди. Тошқозонимиз эса ҳамон қайнаб-тошар, хамиримиздан боягидек нон ясалар эди».

Шарҳ: Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг бизга юборган энг катта мўъжизаси ва раҳмати эдилар. Ул мукаррам зотнинг дунёга келишларининг ўзи бир мўъжиза эди. Ва туғилажак соатларида ҳам турли мўъжизалар кузатилган. То улғайгунларига қадар Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам билан турли воқеалар ва мўъжизалар рўй берди. Албатта буларнинг барчаси Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг инояти билан содир бўлган. Пайғамбарлик мақомини олганларидан сўнг эса Аллоҳ таолонинг ҳақ дини бўлмиш Ислом динига инсонларни даъват қилар эканлар, кўп

қаршиликларга дуч келдилар. Ва бу йўлда мушриклар ва кофирлар томонидан ҳақ динга нисбатан ишончсизлик, ишонишлари учун эса исбот талаб қилинди. Мўъжизалар эса шундан, айна шундан бошланди.

Мўъжизаларидан яна бири дарахтлар тилга кириб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салом беришидир. Бу ишга юзга яқин саҳоба гувоҳ бўлишган.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳикоя қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ғазот сафарига чиқдик. Йўлда бир аъробийни кўриб: «Қаёққа кетяпсан?», деб сўрадилар. «Уйимга боряпман», деди у. «Яхшилик топмоққа қандайсан?», деб сўрадилар. У розилик билдирди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мени Аллоҳ таоло бутун ер юзига пайғамбар қилиб юборди, яхшиликка етганинг шудир». Аъробий айтди: «Мен сенинг пайғамбарлигингни қайдан биламан? Сўзинг ростлигига ким гувоҳлик бера олур?» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сой ичида кўриниб турган дарахтга қараб: «Ана шу дарахт менинг пайғамбарлигимга гувоҳлик берур. Унинг олдига бориб: «Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чақиряпти», дегил, келиб гувоҳлик берсин», дедилар. Аъробий бориб, дарахтга шу сўзни айтди. Дарахт олди, орқаси, икки ёнига эгилиб, қимирлади. Ер ёрилиб томирларини судраганича тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб: «Ассалому алайка, ё Расулуллоҳ», деб салом берди. Аъробий айтди: «Дарахтга буюринг, яна ўз ўрнига қайтсин». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюргач, илдизларини чувалантирганича қайтиб бориб, жойига ўрнашди. Бу улуғ мўъжизани кўргач, аъробий дарҳол иймон келтирди. Сўнгра: «Ё Расулуллоҳ, рухсат беринг, сизга сажда қилурман», деди. Шунда Расулуллоҳ: «Махлуққа сажда қилмоқ жоиз эмас. Агар мумкин бўлганида, хотинларни эрларига сажда қилишга буюрган бўлар эдим», дедилар. «Бўлмаса, рухсат беринг, қўл-оёқларингизни ўпайин», деди. Ўпишга рухсат қилдилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка кўчаларининг биридан келаётиб Рукона деган бир кишига йўлиқиб қолдилар. У Қурайш йигитлари ичида энг атоқли баҳодирлардан эди. Унга: «Эй Рукона, Аллоҳдан кўрқ, мен Аллоҳнинг пайғамбариман, иймон келтириб, мусулмон бўл», дедилар. У: «Эй Муҳаммад, пайғамбарлигингга бир аломат кўрсатсанг, иймон келтирар эдим. Далил ҳужжатсиз қандай мусулмон бўлурман?», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам наридаги бир туп дарахтга қараб: «Аллоҳнинг изни билан олдимга кел», дедилар. Шу заҳоти дарахт тенг ўртасидан ёрилиб, иккига ажралди. Ярми турган жойида қолди, қолган ярми ерни ёрганича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб, салом берди. Буни кўриб лол қолгач, у: «Эй Муҳаммад, энг улуғ ишни кўрсатдинг, унга буюргил, яна ўз жойига борсин», деди. «Агар буюрсам, ўз жойига бориб қўшилса, иймон келтирурмисан?», дедилар Набий. «Албатта, иймон келтирурман», деб ваъда берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюргач, Аллоҳнинг қудрати билан дарахтнинг ярми олдинги ярмига ёпишиб, асл ҳолига келди. Аммо Рукона шундоқ улуғ қудратни кўриб

туриб, ҳам иймон келтирмади.

Имом Бухорий, Имом Термизий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ходимлари Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳумлар билан бирга Уҳуд тоғининг устига чиққанларида тоғ титрай бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Уҳуд, тўхта. Сенинг устингдаги кишилардан бири Аллоҳнинг пайғамбари, иккинчиси унинг Сиддиқ акбари, қолган иккови шаҳиддир», дейишлари билан тоғ титрашдан тўхтади. Бу воқеада уч мўъжиза бор: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоғ тепасига чиқишларида унинг титраб кетиши, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини эшитиб, дарҳол тўхташи. Учинчи мўъжиза эса кейин бўладиган воқеадан хабар беришларидир. Ҳақиқитан ҳам, ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон икковлари шаҳид бўлишди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг яна бир мўъжизалари бармоқлари орасидан сув чиққани ва унинг кўпайганидир. Бу ғаройиб воқеани Анас, Жобир ҳамда Ибн Масъуд каби кўпгина саҳобалар ривоят қилишган.

Анас разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳни аср намозига озгина вақт қолганда учратдим. Одамлар таҳорат олиш учун сув тополмай зир югуриб юришарди. Пайғамбар алайҳиссалом таҳорат олинадиган бир идишга қўлларини тикқан эдилар, бармоқлари орасидан сув отилиб чиқа бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу сувдан таҳоратга олишга буюрдилар. Одамлар бирин-кетин келиб, идишларини тўлдирди бошлашди. Идишдан таҳорат олган одамлар сони уч юзтадан ошиб кетди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биргина ҳаракатлари ва дуолари билан озиқ-овқатнинг барокатли бўлиб кетгани ҳам у кишининг мўъжизаларидандир.

Абу Талҳа розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Анфас разияллоҳу анҳу қўлтиғига қисиб келган бир неча арпа нон билан етмишдан ортиқ кишини тўйдирганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нонларни майда ушатиб, Аллоҳ рози бўладиган дуоларни ўқиб, дам солганлар.

Бу пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг курсатган мўъжизаларидан бир нечтасигина холос. Аслида бу муборак зотнинг қилган ва бизга ўргатиб кетган нарсалари ва бизга ўрнатган бўладиган феъллари ҳам бир мўъжизадир. Хушхулқ бўлишлик, ҳалол ризқ топиш, ҳаромдан йироқда бўлиш, аҳли аёл ва фарзанд тарбиясидаги масалалар, Пайғамбаримиздан нени ўрнатган бўлсак, буларнинг барчаси у муборак зотнинг бизга қолдирган мўъжизаси эди десак хато қилмаган бўламиз. Буларнинг барчасига амал қилишимиз, ҳаётимизга татбиқ қилишимиз эса албатта Аллоҳ таолонинг раҳмат эшигига борадиган йўлда эканлигимиздан далолат беради. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу

алайҳи васаллам кўрсатган, юқорида зикр қилинган мўъжизалар эса Ҳақдан келганн ҳақ йўлга бошловчи ҳақ мўъжизалардир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARIDLARI